Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Совети органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 29 декабрь 1973 йил, шанба ◆ № 305 (15.779). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Суратда: Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводининг илғор ишчиларидан Б. Юсупов ва А. Нигматуллин ўртоқлар. Улар шахсий йиллик планларини муддатидан олдин ортиғи билан адо этдилар.

А. Тўраев фотосн.

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети қишлоқ хўжалик ходимларининг 1973 йилда дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқиб, шу масала юзасидан қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети шу қарорда таъкидлайдиларки, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчилари, хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбарлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1973 йилда дон, пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзавот ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Кўпчилик колхоз ва совхозлар тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планларини ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини ишлаб чиқариш маданиятини оширишга, ердан, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва химиялаш воситаларидан, мелиорациядан, фан ва илғор тажрибадан — тармоқни Коммунистик партия ўртага қўйган вазифаларга мувофиқ равишда жадал ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан самарали фойдаланишга сафарбар қилиш соҳасида зўр сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бордилар. Бу эса 1973 йил деҳқончилигида юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун ҳал қилувчи шарт-шароит бўлди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети мўл ҳосил етиштирган, дон, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ва ем-хашак тайёрлаш юзасидан белгиланган планларни ва олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга эришган колхозчилар ва совхозлар ишчиларининг, қишлоқ хўжалиги барча меҳнатчиларининг фидокорона меҳнатини юксак баҳолайдилар, саноат, транспорт, тайёрлов ташкилотлари ходимлари, харбий бўлинмалар, студентлар дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлашда актив қатнашганликларини қайд қиладилар, партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органлари 1973 йилда қишлоқ хўжалигидаги мусобақага раҳбарлик қилиш соҳасида ҳар томонлама ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликларини муносиб баҳолайдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1973 йилда дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қуйидаги иттифоқдош ва Автоном республикалар, ўлкалар, областлар ва районлар голиб чиққан деб ҳисоблайдилар ҳамда уларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қизил байроқлари билан пул мукофотлари топширадилар:

А. ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР

РСФСР	Молдавия ССР
Украина ССР	Озарбайжон ССР
Белоруссия ССР	Литва ССР
Ўзбекистон ССР	Тожикистон ССР
Қозоғистон ССР	Қиргизистон ССР
Туркманистон ССР	

Б. АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР, ЎЛКАЛАР, ОБЛАСТЛАР

РСФСРдан: Кабарда-Балқария АССР, Мордва АССР, Чувашия АССР, Краснодар ва Ставрополь ўлкалари, Астрахань, Брянск, Волгоград, Воронеж, Горький, Куйбишев, Ленинград, Липецк, Москва, Пенза, Ростов, Рязань, Саратов, Тамбов, Ульяновск ва Чита областлари;

Украина ССРдан: Днепропетровск, Донецк, Запорожье, Кировоград, Николаев, Одесса, Полтава, Харьков ва Херсон областлари;

Белоруссия ССРдан: Гродно ва Минск областлари;

Ўзбекистон ССРдан: Қорақалпоғистон АССР, Андижон ва Сирдарё областлари;

Қозоғистон ССРдан: Олмаота, Кўкчатов, Шимолий Қозоғистон, Тўрғай ва Целиноград областлари;

Грузия ССРдан: Аджария АССР;

Қиргизистон ССРдан: Ўш области;

Тожикистон ССРдан: Ленинобод области.

В. РАЙОНЛАР

РСФСРдан: Олтой ўлкасининг Бурла, Волчиха, Калманка, Михайловский, Смоленск, Совет, Троицкий ва Угловский районлари;

Краснодар ўлкасининг Абинск, Белоглина, Кавказ, Красноармейск, Ленинград, Шовген (Адигей автоном области) районлари;

Красноярск ўлкасининг Минусинск, Ужур, Шарипов ва Оржоникидзе (Хакасия автоном области) районлари;

Ставрополь ўлкасининг Изобильний, Ипатов, Минералние води, Петровский, Советский, Шпаков ва Адиге-Хабльск (Қорачой-Черкасия автоном области) районлари;

Хабаровск ўлкасининг Хабаровск области;

Архангельск областининг Приморск области;

Астрахань областининг Харабали области;

Белгород областининг Вейделевск ва Ровен районлари;

Брянск областининг Погар р ?они;

Владимир областининг Суздал области;

Волгоград областининг Еланский, Жирновский, Камишин, Котово, Котельников, Октябрь, Старая Полтавка ва Чернишковский районлари;

Вологда областининг Вологда области;

Воронеж областининг Анна, Лискинский, Нижнедевицкий, Россошь районлари;

Горький областининг Красний Октябрь ва Пильна районлари;

Иваново областининг Гаврилово-Посад области;

Иркутск областининг Иркутск ва Нижнеудинск районлари;

Калининград областининг Гурьевский области;

Калинин областининг Сандов ва Сонков районлари;

Калуга областининг Киров области;

Кемерово областининг Ленинск-Кузнецкий ва Промишленная районлари;

Кострома областининг Нерехта области;

Куйбишев областининг Большая Глушица, Пестравка, Ставрополь ва Сизран районлари;

Курган областининг Кетов, Притобольний ва Шадрин районлари;

Курск областининг Горшеченский ва Касторенский районлари;

Ленинград областининг Всеволожский области;

Липецк областининг Добринка ва Липецкий районлари;

Москва областининг Дмитровский, Люберци ва Раменск районлари;

Новгород областининг Новгород области;

Новосибирск областининг Доволенский, Кочкий, Новосибирск ва Татарск районлари;

Омск областининг Калачинский, Любинский, Оконешников ва Тара районлари;

Оренбург областининг Адамовка, Бузулук, Новосергиевка, Саракташ, Соль-Илецк, Сорочинский ва Тоцкий районлари;

Орел областининг Глазуновка ва Ливна районлари;

Пенза областининг Башмаков, Каменка ва Колишлей районлари;

Пермь областининг Пермь области;

Псков областининг Палки области;

Ростов областининг Азов, Зерноград, Зиновники, Красний Сулин, Миллеров, Октябрь, Орел ва Сальский районлари;

Рязань областининг Сарай ва Шацкий районлари;

Саратов областининг Балашов, Ершов, Калинин, Маркс, Романов, Самойлов, Хвалинский ва Энгельс районлари;

Сахалин областининг Углогорский области;

Свердлов областининг Сисерть области;

Смоленск областининг Рудня ва Хиславичи районлари;

Тамбов областининг Мордов, Моршанский ва Тамбов районлари;

Томск областининг Кожевников области;

Тула областининг Арсеньев ва Кимов районлари;

Тюмень областининг Заводоуковский ва Исетский районлари;

Ульяновск областининг Старая Кулатка, Ульянов, Цильнинский ва Чердакли районлари;

Челябинск областининг Агаповка, Троицкий ва Чесма районлари;

Чита областининг Калга области;

Ярославль областининг Гаврилов-Ям области;

Бошқирдистон АССРнинг Абзелилов, Ишимбай, Кармаскали ва Мелиуз районлари;

Бурятия АССРнинг Баргузин области;

Дағистон АССРнинг Қизлар области;

Кабарда-Балқария АССРнинг Прохлодний области;

Қалмоқ АССРнинг Городовиков области;

Карелия АССРнинг Сортавала шаҳар ижроия комитети;

Мари АССРнинг Горномариский области;

Мордва АССРнинг Ардатов ва Ичалковский районлари;

Шимолий Осетия АССРнинг Киров области;

Татаристон АССРнинг Апастов, Буинский ва Дрожжановский районлари;

Тува АССРнинг Пий-Хем области;

Чечен-Ингуш АССРнинг Шали области;

Чувашия АССРнинг Комсомол ва Порецкий районлари;

Украина ССРдан: Волин областининг Маневичи области;

Ворошиловград областидан Антрацит ва Лутугин районлари;

Днепропетровск областидан Днепропетровский, Магадалиновка, Межевая ва Новомосковский районлари;

Донецк областининг Новоазовский, Старобешев ва Тельман районлари;

Житомир областининг Бердичев ва Житомир районлари;

Закарпатье областининг Иршава области;

Запорожье областининг Веселий, Запорожье, Каменка-Днепровская, Михайловка ва Приморский районлари;

Иваново-Франковск областининг Городенка области;

Киев областининг Борисполь, Ракитян ва Фастов районлари;

Кировоград областининг Долинский, Компанеевка, Петров ва Ульянов районлари;

Қрим областининг Жанкой, Киров ва Ленин районлари;

Львов областининг Бусс области;

Николаев областининг Братский, Николаев, Новий Буг ва Очаков районлари;

Одесса областининг Белгород-Днестр, Беляевка, Великая Михайловка ва Раздельная районлари;

Полтава областининг Глобин, Карловка, Семиновка ва Хорол районлари;

Ровно областининг Владимирец области;

Суми областининг Великая Писаревка ва Шостка районлари;

Харьков областининг Изюм, Краснокуцкий, Новая Водолага ва Сахновшчина районлари;

Херсон областининг Белозерка, Берислав, Нововоронцовка ва Новотроицкий районлари;

Хмельницкий областининг Славута области;

Черкасси областининг Смела, Черкасси ва Чернобай районлари;

Чернигов областининг Борзна ва Мена районлари;

Черновици областининг Новоселица области;

Белоруссия ССРдан: Брест областининг Ляховичи ва Столин районлари;

Витебск областининг Докшици ва Постави районлари;

Гомель областининг Брагин ва Добруш районлари;

Гродно областининг Воронов ва Кореличи районлари;

Минск областининг Молодечно, Слуцкий ва Солигорский районлари;

Могилев областининг Киров ва Метиславл районлари;

Ўзбекистон ССРдан: Андижон областининг Ленин ва Пахтаобод районлари;

Бухоро областининг Вобкент области;

Қашқадарё областининг Қарши области;

Наманган областининг Чуст области;

Самарқанд областининг Пахтачи области;

Сурхондарё областининг Жарқўрғон области;

Сирдарё областининг Жиззах ва Пахтакор районлари;

Тошкент областининг Оққўрғон области;

Фарғона областининг Қува ва Ленинград районлари;

Хоразм областининг Қўшкўпир области;

Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткул области;

Қозоғистон ССРдан: Актюбинск областининг Ленин области;

Олмаота областининг Или области;

Шарқий Қозоғистон областининг Зиряновск шаҳар ижроия комитети;

Қарағанда областининг Нури области;

Қизил Урда областининг Жалағаш области;

Кўкчетов областининг Арқабалиқ, Куйбишев ва Рузаевка районлари;

Кустанай областининг Комсомолец ва Урицкий районлари;

Павлодар областининг Иртиш области;

Шимолий Қозоғистон областининг Возвишенка ва Совет районлари;

Семипалатинск областининг Бородулиха области;

Толдиқўрғон областининг Киров области;

Тўрғай областининг Жақси области;

Урал областининг Бурлин области;

Целиноград областининг Алексеевка, Ерментов районлари; Чимкент областининг Сайрам области;

Грузия ССРдан: Абаша, Гори, Махарадзе, Хоби ва Цител-Цкаро районлари;

Озарбайжон ССРдан: Ленкоран, Нефтечали, Пушкин, Сальяни ва Шемаха районлари;

Литва ССРдан: Клайпеда, Купишкис, Радвилишкис, Рокишкис, Швенчионис районлари;

Молдавия ССРдан: Григориопол, Слободзе, Суворов, Унгени, Фалешти ва Чадир-Лунга районлари;

Латвия ССРдан: Даугавпилс, Добеле ва Рига районлари;

Қиргизистон ССРдан: Москва, Соқулуқ ва Тохтағул районлари;

Тожикистон ССРдан: Пархор, Шаҳритуз, Пролетар ва Хўжанд районлари;

Арманистон ССРдан: Ахурян, Масиси ва Талин районлари;

Туркманистон ССРдан: Байрамали, Кўҳна Урганч ва Чоржўй районлари;

Эстония ССРдан: Нигева ва Пайде районлари.

187 колхоз, совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг пул мукофотлари билан бирга Қизил байроқлари билан мукофотланди. Шу жумладан:

РСФСРдан 87 та, Украина ССРдан 39 та, Белоруссия ССРдан 11 та, Ўзбекистон ССРдан 6 та, Қозоғистон ССРдан 10 та, Грузия ССРдан 5 та, Озарбайжон ССРдан 4 та, Литва ССРдан 6 та, Молдавия ССРдан 3 та, Латвия ССРдан 4 та, Қиргизистон ССРдан 2 та, Тожикистон ССРдан 2 та, Арманистон ССРдан 3 та, Туркманистон ССРдан 2 та, Эстония ССРдан 3 та колхоз, совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари бор.

Улар орасида **Ўзбекистон ССР**дан қуйидагилар мукофотланди:

Наманган область Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз;

Сурхондарё область Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхози, Денов районидаги «Хазарбоғ» совхози;

Сирдарё область Жиззах районидан Ленин орденли «Москва» колхози;

Тошкент область Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози;

Хоразм область Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Н. Наримонов номли колхоз;

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари ҳамда мутахассисларига 1973 қишлоқ хўжалик йили якунларини чуқур анализ қилишни, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан илғор хўжаликлар ва районларнинг тажрибасини умумлаштиришни, уларнинг иш усуллари ва методларини оммалаштиришни, буларнинг учун радио ва телевидениедан, вақтли матбуотдан ҳамда оммавий пропаганда ва ахборотнинг бошқа воситаларидан кенг фойдаланишни, орқада қолаётган хўжаликлар фаолиятини оширишни, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришда, олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда уларга доимий ёрдам беришни таклиф қилдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан республикалар, ўлкалар, областлар, районларнинг қишлоқ хўжалик ходимларини, колхозлар, совхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг коллективларини, шунингдек, мусобақада қатнашган ҳамма қишларини қизғин табриклайдилар, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари эришилган маррада тўхтаб қолмайдилар, 1974 йилда ва шундан кейинги йилларда дон, пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум, жун ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планларини, олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, эришилган натижаларни мустаҳкамлаб, бу маррадан ҳам ўзиб кетадилар, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажаришга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎРТОҚ А. Н. ШЕЛЕПИННИНГ ТУРКМАНИСТОНДА БЎЛИШИ

АШХОБОД, 27 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин бугун республика касаба союзлари Советида Туркманистон касаба союз активлари билан учрашди. Социалистик мусобақани янада кучайтириш соҳасида касаба союзларининг ишларини активлаштириш масаласи қараб чиқилди.

А. Н. Шелепин «Совет Туркманистони» колхозида бўлди.

Шу куни А. Н. Шелепин Туркманистон пойтахтидан жўнаб кетди. Аэропортда уни Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғаппаров, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси А. М. Қиличев, республика Министрлар Советининг Раиси Ў. Н. Ўрозмуҳамедов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Н. Риков, Туркманистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, республиканинг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар.

А. Н. Шелепин кечқурун Москвага қайтиб келди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

27 декабрда КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи секретарларининг кенгаши бўлди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалиги министри Д. С. Полянский, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, СССР ва РСФСРдаги бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Область ва шаҳар партия ташкилотлари активининг 28 декабрда бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми якунлари ҳамда Тошкент области ва республика пойтахти коммунистларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда нутқ сўзлаган Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, В. П. Чкалов номидаги авиация заводининг фрезерчиси А. А. Девятова, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исматов, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Муҳамедов ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари КПСС XXIV съездининг ташқи ва ички сиёсат тўғрисидаги қарорларини, Марказий Комитетнинг декабрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни амалга оширишда КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси фаолиятини қизғин маъқулладилар.

Республика пойтахти ва Тошкент областининг меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида социалистик мусобақада катта муваффақиятларга эришдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш топшириғи ошириб бажаришди. Давлатга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари планда белгиланганига нисбатан анча кўп топширилди. Лекин ишлаб чиқаришнинг кўптина резервларидан фойдаланилмаётганлиги нотиқларнинг нутқида таъкидланди.

Йиғилишда қабул қилинган қарорда коммунистлар, шаҳар ва областнинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг кўрсатмаларини бажара бориб, социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, 1974 йилни хўжалик ва маданий қурилишда янги катта муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб ишонч билдирилди. (ЎзТАГ)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада капитал қурилиш ишларини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда тугилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан «Союзузбекгаз» трести 9- кўчма механизациялашган колоннасининг бошлиғи Александр Сергеевич Рязанцевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» Фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар самарали ишлаганлиги, республикада иқтисодий хизматни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети газлаштириш Бош бошқармаси планиқтисодий бўлимининг бошлиғи Клавдия Ивановна Беланга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» Фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, партия, совет ва хўжалик органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун меҳнаткашлар депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Абдулхай Шарофиддинович Маҳмудовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«КОСМОС-626» ПАРВОЗДА

1973 йил 27 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-626» учирилди. Йўлдошга космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишламоқда. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

МАТБУОТ АКТИВЛАРИНИНГ СЛЁТИ

27 декабрда Тошкент шаҳри ва пойтахт области ишчи ва қишлоқ мухбирларининг слёти бўлиб ўтди. Слёт қатнашчилари КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ишчи ва қишлоқ мухбирларининг навбатдаги вазифаларини муҳокама қилдилар, иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. (ЎзТАГ).

САМАРАЛАР САЛМОҚЛИ БЎЛСИН

ЛЕНИН РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

Тошкентнинг Ленин районы — саноат районы. Район территориясида йирик корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаш ташкилотлари жойлашган. Район электрон техника ускуналари, қишлоқ хўжалигида қўл келаётган машиналар, электр аппаратлари, аҳоли эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилаётган турли-туман маҳсулотлари билан фахрланади.

Район ишчи коллективлари моддий бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги ташаббускорлик иқтидорини ардоқлаб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ленин район партия конференциясида ҳисобот даврида эришилган ютуқлар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Докладчи — район партия комитетининг биринчи секретари И. Федоринов ва музокараларда сўзга чиққан делегатлар партия XXIV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларини амалга ошириш борасида қилинган ишлар ва район партия ташкилоти олдида турган энг муҳим вазифалар устида тўхталдилар, мавжуд камчиликларни тугатиш тўғрисида конкрет тактик ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

— Ҳисобот даврида, — деди докладчи, — ташкилий-партиявий ишлар савияси, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги анча ошди. Партия интизоми мустаҳкамланди. Коммунистларнинг хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларидаги аҳвол учун жавобгарлиги ортди. Район партия ташкилоти конференция та ўз сафларини янада жипслаштирган, қўйилган вазифаларни жанговар вазиятда бажаришга қодир бўлган ҳолда етиб келди.

Район саноат корхоналари коллективлари умумхалқ социалистик мусобақасида фаол қатнашиб, маҳсулот реализация қилиш уч йиллик планини 10 декабрда шараф билан бажардилар. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 9-10 процентни ташкил этди. Бу район партия ташкилотининг ишлаб чиқариш масалалари билан анча яхши шуғулланганлигини тасдиқлайди. Бироқ бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, коммунистларнинг ташаббускорлигини мутасил рағбатлантириб бориш, ташкилий-партиявий ишлар савиясини тағин ҳам кўтариш йўли билан бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичларга эришиш мумкин эди.

Докладда таъкидланганидек, уч йил ичида районда 153,6 миллион сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Лекин қурилиш ташкилотлари ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Шу йилнинг ўн бир ойида объектларни ишга тушириш плани бажарилмай қолди. Район партия комитети ва бошланғич ташкилотлар техника тараққиёти, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга катта эътибор бермоқда. Бу соҳада муайян ютуқлар қўлга киритилди, бироқ ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам оз эмас.

Сурункасига планни бажармаётган корхоналар, ой бошида хотиржамликка йўл қўйиб учинчи ўн кунликда «ҳа бўлҳа бўл» билан ишлашдан иборат яроқсиз услубга амал қилаётган, натижада сифатсиз маҳсулот тайёрлашга йўл қўяётган корхона, қурилиш ташкилотлари фаолиятига ўз вақтида тегишли баҳо бериш талаб қилинади. Айниқса, делегатлар аҳолига маиший ва транспорт хизмати кўрсатиш соҳасидаги камчиликларга кўпроқ тўхталдилар.

— Бошқармамиз кучи билан анчагина йўллар қурилди, аҳолига транспорт хизматини яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда, — деди трамвай-троллейбус бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари **Н. Стрижова.** — Аммо, транспорт хизмати талаблар даражасида эмаслиги тўғрисида ҳамон кўплаб шикоятлар оляпмиз. Малакали транспортчилар тайёрлаш учун ўқув комбинати ташкил этиш масаласи йил сайин пайсалга солинаётганига энди бефарқ қараб бўлмайди.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводининг бошлиғи **Ҳ. Файзуллаев,** Тошкент темир йўл бўлимасининг бошлиғи **Ғ. Захриддинов,** «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг илғор ишчиси **З. Данная,** «Ташхимсельмаш» заводи директори **Р. Нодиров** ўртоқлар ўз коллективларида беш йиллик топшириқлари муваффақиятли адо этилаётганлигини айтиб, ўз режалари билан ўртоқлашдилар. Электрон техника заводи партия ташкилотининг секретари **Ю. Звягинцев** корхона коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақанинг дастлабки қувончли натижаларини маълум қилди. Завод ишчилари юбилей шарафига 12 ойлик меҳнат вахтаси эълон қилиб, катта ташаббусинг ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқдилар. Бу янгилик райондаги бошқа коллективларда ҳам кенг кулоч ёймоқда.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири **Т. Сизова** партия ва ҳукуматимизнинг умумий ўрта таълимни жорий этиш юзасидан қабул қилган қарори меҳнаткашлар томонидан қизғин кутиб олинганлигини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, деди нотиқ, корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда тўла ўрта маълумотга эга бўлмаган анчагина ёшлар ишламоқда. Уларни ўқитиш, ўрта маълумотли қилиш учун районимизда етарли шарт-шароит бор. Кетма-кет янги мактаб binolari қуриб берилмоқда. Мактабларнинг ўқув базаси мустамкамланиб бораётир, кўпгина мактабларда таълимга касбинет системасида олиб боришга эришмоқдамиз. Корхона ва муассасаларнинг маъмуриятги, партия ташкилотлари ана шу имкониятлардан фойдаланиб, ўз коллективларидаги кишиларни ўқитиш, ўрта маълумотли қилиш ҳақида қайғурсалар яхши бўлур эди. Бу йил 8-синфни тамомлаганларнинг 93 проценти ўрта маълумот олиш учун кундузги, сиртқи ва кечки мактабларга қатнамоқдалар.

— Мен бир неча йиллардан бери пропагандистман, — дейди Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси врачлик-санитария хизматининг бошлиғи **А. Акбаров.** — Иш услубимизга кўра, менга ўз соҳамдаги кишилар билан партия ўқувини олиб бориш топширилган. Шуниси қувончлики, медицина ходимлари ўртасида пропагандистлик қилиш, семинар машғулотлари олиб бориш ходимларимиз сиёсий ва гоявий савияси билан яқиндан танишиш имконини бермоқда, партия маорифи ишини ўз хизматимиз конкрет вазифалари билан боғлаб олиб боришда ҳам қўл келмоқда. Ҳар бир раҳбар ўз коллективининг жанговар ташкилотчиси ва сиёсий тарбиячиси бўлишга интилсин.

Граждан авиацияси ходимлари вакили, делегат **В. Токарев** райкомнинг иш услубидаги камчиликни қаттиқ танқид қилди. У дедики, район партия комитети илғор, чиниққан кишилар ҳисобига партия сафларини тўлдириб бораётгани қувончли, лекин партияга бошланғич ташкилотда қабул қилинганларнинг ҳужжатлари райкомда узоқ вақт туриб қолмоқда. Бу, ўз навбатида, бошланғич ташкилот раҳбарларини ҳам ноқулай аҳволга солиб қўймоқда. Райком бундай практикадан воз кечиши тарафдоримиз.

Районда партия ҳужжатларини алмаштиришга пухта тайёргарлик кўрилди. Аксарият бошланғич партия ташкилотлари конференцияга ўз сафларини янада мустаҳкамлаган, идеология ишини анча яхшилаган, коммунистларнинг активлигини оширган ҳолда келдилар. Делегатлар таъкидлаганидек, район партия комитети ишлаб чиқаришга раҳбарликни конкретлаштириши керак. Ана шундагина партия XXIV съезди қарорларини, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга эришилади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақа самаралари тағин ҳам салмоқлироқ бўлади.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. М. Мусаховов** қатнашди ва нутқ сўзлади. Конференция ишида шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидатлар — Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. А. Хўжаев,** Ленин район ижроия комитетининг раиси **С. У. Султонова** ўртоқлар ҳам иштирок этдилар.

Конференцияда район партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги состави ҳамда шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлди. Унда ўртоқ **И. И. Федоринов** район партия комитетининг биринчи секретари, **М. М. Қаҳҳоров, И. И. Мельникова** ўртоқлар район партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Тошкент трикотаж фирмаси экспериментал цехининг ижодкор моделчилари 1974 йилда ишлаб чиқариш планлаштирилган трикотаж буюмларининг 120 дан зиёд янги моделини яратишди. Янги моделлар аҳолининг ҳозирги замон талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган равишда ишлаб чиқилган. Суратда: корхонанинг меҳнатсевар моделчилари С. Селезнева ва Е. Еремеева ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистон Ахборот

НАМАНГАН

СОВҒАМИЗ ДОВРУҒИ

ЧУСТ ҳунармандлари қадимдан шуҳрат топган. Уларнинг қўлидан чиққан турли хил буюмлар шаҳар бозорларида харидоргир бўлган. Чустлик эндиги ёшлар ҳам доврўг қозонишмоқда. Бугун ҳунармандлар техника ёрдамида осон ва серунум меҳнат қиляптилар. Шу йилнинг куз ойларида Сурия пойтахти Дамашқда очилган халқаро ярмаркада Ўзбекистон вакиллари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Республика павильонига қўйилган нафис ва бежирим ишланган Чуст пичоқлари томошабинлар эътиборини қозонди. Чуст пичоқсозлари ишлаб чиқарган «43-Н», «53-Н» ва «54-Н» маркали мис сарбаста-руфта кўринишдаги пичоқларга давлат «Сифат белгиси» берилди.

КУРИК ҒОЛИБИ

ЗАДАРЁ районида кўплаб уй-жой ва маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. 25-қурилиш трестига қарашли механизациялашган кўчма колонна коллективи бинокорлари ўз ҳамкасабаларидан Муҳаммадумар Носировнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Бу киши яқинда қурувчиларнинг область «конкурсида ғолиб чиқиб, яна эътибор қозонди. У тўққизта қурилиш ташкилоти вакиллари орасида биринчиликни эгаллади. Жумладан, 30 минутда 0,8 кубометр жойга пойдевор ётказиб юқори натижага эришди. Кўрик жюриси ғолиб бинокорга биринчи мукофотни топширди.

БИРИНЧИ НАВБАТ

ПУНҒОН насос станциясининг дастлабки навбати фойдаланишга топширилди. Станциядаги уч агрегатнинг ҳар бири секундига 250 литр сувни узатиш қувватига эга. Насос ёрдамида 7 километр узунликдаги темир-бетон қувурлар орқали сув узатиш мумкин. Поп районидаги Ленин номли колхознинг янги ўзлаштирилган ерларига сув етиб келди. Айни пайтда станциянинг иккинчи босқич қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Қурилиш ишлари ниҳоясига етказилгач, шу йилнинг ўзида Пунғон массивидан 2500 гектар дашт ерини қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконияти яратилди.

«ШИРИН»НИНГ БАҲОСИ

ТУРАҚУРҒОН районидаги Ленин номли боғдорчилик совхозида етиштирилаётган ноз-неъматлар ишлаб чиқаришда ҳам қўл келмоқда. Жумладан, шу боғ ишкомларидан узилган узумлардан тайёрланган «Ширин» виноси 1967 йили халқаро конкурсда олтин медаль билан тақдирланган эди. Кейинчалик «Хосилот», «Портвейн», «Фарҳод» номли винолларга ҳам олтин ва кумуш медаллар берилди. Яқинда СССР Министрлар Советининг стандартлар бўйича давлат комитетидан завод номига гувоҳнома келди. Унда давлат баҳолаш комиссиясининг қарори билан Наманганнинг «Ширин» виносига икки йил муддат билан «Сифат белгиси» берилганлиги қайд этилган эди. Наманган вино заводи республикада ана шундай белги олишга муяссар бўлган уч корхонадан биридир.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чет эл янгиликлари

ЖАҲОН КОНГРЕССИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАБ

27 декабрь куни совет дўстлик жамиятлари союзи президиумининг тинчликсевар кучлар Москвадаги жаҳон конгрессининг якунларига ва ана шу жамоат ташкилотининг дўстлик ва халқаро ҳамкорлик ғояларини пропаганда қилиш соҳасида бундан буёнги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Совет дўстлик жамиятлари союзи президиумининг раиси Н. В. Попова раислигида ўтган бу мажлисда конгресс иши тамом бўлгандан кейин кўпгина мамлакатларда митинглар ва йиғилишлар, матбуот конференциялари ва учрашувлар бўлиб ўтганлиги таъкидланди. Конгресс делегатлари — Совет Иттифоқи билан дўстлик жамиятларининг раҳбарлари ва активлари анжуманининг ишига юксак баҳо бердилар. Совет Давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати тўғрисида тапирдилар, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур далил-исботли нутқи катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Москвадаги жаҳон конгрессини тайёрлаш ва ўтказиш — Совет дўстлик жамиятлари союзи 1973 йилги бутун фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Ана шу жамоат ташкилотининг ходимлари ўз алоқалари ва ҳамкорликларидан фойдаланиб, чет эл жамоатчилигининг кенг доираларини, таниқли сиёсий арбобларни, фан ва маданият намояндаларини конгрессни чақириш ғояларини қўллаб-қувватлашга жалб қилишга ёрдам бердилар. Конгрессга кўмаклашувчи Совет комитети уларнинг ишини муносиб баҳолади. Совет дўстлик жамиятлари союзи вакиллари, чет эллар билан дўстлик жамиятлари ва ушмаларининг активларидан 200 дан кўпроқ киши фахрий ёрлиқлари ва эсдалик нишонлари билан, дўстлик жамиятлари союзи эса фахрий диплом билан мукофотланди.

САЙРУС ИТОН 90 ЁШДА

НЬЮ-ЙОРК, 27 декабрь. (ТАСС). АҚШда Американинг таниқли жамоат арбоби, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати саноатчи Сайрус Итоннинг 90 йиллиги нишонланмоқда.

Сайрус Итон кўп йиллардан бери турли ижтимоий тузумдаги мамлакатлар билан халқаро ҳамжиҳатлик ва тинч-тотув яшаш учун тинимсиз курашиб келмоқда. «Мен ўз мамлакатимнинг иқтисоди ва сиёсий системасини қўллаб-қувватлайман, — деди у ТАСС мухбирига. — Аммо мен бошқа мамлакатларга ўз системасини тиқиштиришга уринаман. Қўшма Штатлар учун тўғри сиёсат бўлади, деб ҳеч қачон ҳисоблаган эмасман. Мен ҳар бир мамлакатнинг ўз идора усули ва экономика шаклини танлаб олиш ҳуқуқига эгалигига доимо ишониб келганман».

Совет Иттифоқи билан Америка ўртасидаги яхши муносабатлар — бутун дунёдаги тинчликнинг энг асосий негизидир, деди Сайрус Итон.

С. Итон 1960 йилда «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти билан тақдирланганлиги унинг тинчлик ишига қўшган ҳиссасига берилган юксак баҳо бўлди. «Бу мукофот — биз учун энг қимматбаҳо армуғондир», — деди С. Итон.

Мисрнинг меҳмонлари

ҚОҲИРА, 28 декабрь. (ТАСС). Миср Араб Республикаси маданият ва информация министрлиги ҳамда Жамол Абдил Носир номидаги халқаро мукофотни таъсис қилиш комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқидан шу мукофотга сазовор бўлган лауреатлар — машҳур ўзбек композитори Муҳтор Ашрафий, Москва давлат университетининг профессори, мисршунос олим В. Авдиев ва украин ёзувчиси Антон Хижняк Қоҳирага келишди.

Улар Миср Араб Республикасида бўлган пайтларида Миср жамоатчилиги намояндалари билан учрашадилар, мамлакат бўйлаб сафар қиладилар.

Белфастда намойиш

ЛОНДОН, 27 декабрь. (ТАСС). Белфастда католик аҳолининг намойиши бўлди. Икки юздан ортиқ киши Шимолий Ирландия пойтахти кўчаларига чиқиб, Ольстердаги католик озчиликка тенг ҳуқуқ берилишини талаб қилдилар.

Намойишчилар шаҳар марказига яқинлашганларида уларни полиция отрядлари тарқатиб юборди. Бир неча киши қамоққа олинди. Намойиш қатнашчиларини қамоққа олиш давом этмоқда.

Репрессиялар кучаймоқда

БАЙРУТ, 27 декабрь. (ТАСС). Исроил маъмурлари босиб олинган араб территорияларида репрессияларни кучайтирмоқдалар.

Байрутда чиқадиган «Аш-Шаъб» газетасининг хабар беришича, Иордан дарёсининг ғарбий соҳили катта концентрацион лагерга айлантирилган араб аҳолиси ўртасида тинтувлар ва қамоққа олишлар ўтказилмоқда.

Араб ватанпарварлари репрессияларга жавобан сўнгги вақтларда Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида варақалар тарқатдилар. Бу варақалар ҳамма ерда босқинчиларга қаршилик кўрсатиш тўғрисида ватандошларга қарата даъват ёзилган.

РАЙКОМ СЕКРЕТАРИ

Янги қаҳрамонлар

ЛАВҲА

Бувайда-Янгиқўрғон хиёбонидан уч мўйсафид гурунглашиб келарди. Бири новчадан келган, бугдой ранг, сочларига оқ оралаган, кенг елкали мўйсафид. У «Партия XX съезди» колхозининг ветерани Маъмурбой ота Йўлдошев. Унга қараганда сал ёшроқ, миқтидан келган мош гурунч соқоли ўзига ярашиб турган нуроний отахон «Коммунизм» колхозининг аъзоси, кекса пахтакор Алибой ота Бадалбоев бўлади. Учинчиси ўрта ёшлардаги киши Калинин номли колхознинг бригада бошлиғи, Ленин орденли Хурсанбой ота Норқўзиев эди. Улар йўл-йўлакай Мақсудали ҳақида тўлқинланиб суҳбат қилиб боришарди.

— Мақсудалининг қаҳрамон бўлганини эшитиб, кечадан бери ўзимда йўқман, Алибой, — деди Хурсанбой ота маъноли боқиб, юрагидаги қувончини унга изҳор қиларкан.

— Эй, нимасини айтасиз, ҳаммамизнинг оғзида шу гап. Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат. Меҳнат қилганни ҳамиша юксак тақдирлайди, қойилман.

— Ўзим қандак йигит-да. Умрдан барака топсин, азамат. Отаси тирик бўлганда қанчалар ҳурсанд бўларди. Афсуски...

— Отаси — халқ, эл-юрт. Шунинг учун Мақсудалининг ҳамиша кўкси тоғ-да.

Орқадан шошиб келаётган аёл уларнинг фикрини бўлди:

— Ҳа, отахонлар, қаерга боряпсизлар?

— Қизим, Олияхон сенмисан. Яхши. Мана, Мақсудали ҳам сендай қаҳрамон бўлди. Уни, табриклагани келяпмиз.

— Ундай бўлса, бирга борамиз, — Олияхон Султонова отахонларни район партия комитети биноси томон бошлади. Улар Мақсудалининг иш фаолиятида алоҳида из қолдирган бу йилги офат ва жасорат тўғрисида баҳслашиб кетишарди. Унутиб бўлармиди у кун ларни!

Апрель оёғинан ўралари эди. Борлиқ зумрад либосга бурканган. Деҳқонлар экин-тикинни саранжомлаб, энди енгил нафас олишаётган эди. Ер бетини қоплаган яшил Майсалар биринчи парваришдан чиқарилаётганди. Кечқурун кутилмаганда бирдан табиат қовоғини солди. Ҳавонинг авзои ўзгарди. Осмонни қора булут қоплади. Енгил эсаётган шамол бўронга айланди. Бўрон оч бўридек увиллаб, дала-ю қишлоқларни изғирди. Қилғилигини қиларди. Дарахтларнинг шохларини синдирар, мўртларини танаси билан кўпорар, томларга ёпилган тунука ва шиферларни учирар, дахшат билан ўзини эшик-деразаларга уриб ойналарни чил-парчин қиларди. Бўрон билан кучли ёмғир ҳам шарилдатиб уриб турарди.

Куни билан дала кезиб, кечаси райкомга қайтган Мақсудали табиатнинг бу ишини кўриб оғир уф тортди. У машинадан тушиб, эшикни ёпишга улгурмаган ҳам эдики бўрон шиддат билан турган ерида уни силкитиб, бошидаги дўпписини учириб кетди. У қоптокдек думалаб кетарди. У орқасидан чопиб дўпписини олди-да, бошига кийиб, кабинетга кирди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди. Кабулхонада секретарь ёрдамчиси Тошпўлатов лампа ёғдусида нималарнидир ёзиб ўтирарди. У Мақсудалини ғамгин қарши олди. Унинг ҳам, секретарнинг ҳам юзларида оғир ташвиш, кўзларида қандайдир ўкинч аломатлари сезилиб турарди. Мақсудали ғазаб алангасида ёнар, кабинетнинг у бошидан-бу бошига юриб диққат бўларди. У ёрдамчисини чақирди:

— Колхозлар билан боғланингизми? Қандай хабарлар бор. Ҳозирги вақеанинг сабабларини билмоқчи бўлиб ундан сўраган эди, Тошпўлатов ноқулай аҳволда қолди:

— Телефон линиялари бўронда узилганга ўхшайди. Кўнгироқ қилсам, телефон ишламаяпти. Бирор хўжалик билан алоқа қилолмадим.

Ҳайдаров ёрдамчисининг аянчли юзларига тикилиб, қандай бўлса ҳам колхозчиларнинг аҳволидан хабардор бўлишимиз керак. Машинага ўтиринг. Тоҳиржон акангиз билан Раҳматуллаевни топиб келинг. Эҳтимол, улар даладан қайтишгандир деди.

Район ижроия комитетининг раиси Тоҳиржон Исмоилов билан район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Раҳматуллаев ва бошқа кишилар кабинетга кириб келишганларида Мақсудали ҳамон чекиб ўтирарди. У бошқалар олдида ўзини қанчалик тинчлантиришга, бардам тутишга ҳаракат қилмасин, ичига ари кириб безовта бўлаётгандек типирчилаётгани стол устида хира ёнаётган чироқ нурлари қаршисида сезилиб турарди.

Бўрон, бўрон... Қани энди инсон қудрати, ақл-заковати билан уни бўғиб ташласанг. Афсуски... Бутун райондаги чигит экилган майдонлар катта зарар кўрганди. Улар кечаси билан дала айланиб, ўз кўзлари билан кўришганди. Бироқ бўрон бўлди деб ишни орқага ташлаш керакми, йўқ, қандай қилиб бўлса ҳам экинларни сақлаб қолиш керак. Позим бўлган ерларга чигитни қайта экиш чорасини кўриш зарур. Шу ҳақда улар кенгашиб олишди. Бўрон зарар қилмаган карталарнинг ғўзаларини сақлаб қолиш учун тезда суғоришимиз керак! Эрталаб чақириладиган райком бюросида ҳар бир хўжалик раҳбарига бу вазифа қилиб қўйилади. Шундай фикрга келишганди. Ўша кечаси улар ҳар томонга бўлиниб машина билан колхозларга чиқиб кетишди.

Эртасига райком секретари комиссия аъзолари билан яна далага чиқди. Бюрода кўрилган тадбирлар қандай амалга оширилаётганини текшириб юришарди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб офатга қарши жангга отланганди.

Мақсудали руҳан бақувват эди. Одамларда ҳам шу кайфиятни кўрарди.

Мақсудали Ҳайдаров Охунбобоев номли колхоз далаларига келганда ноҳуш бир манзара устидан чиқди. Беш-олти қадам нарида ёши анчага бориб қолган онадан сўради у:

— Опани ким хафа қилди?

— У менинг келиним Ҳамроҳон бўлади, айланай. Асти қўяверинг. Алами кучли.

— Нима бўлди, ўзи?

— Эллик центнерчи бўламан, деб чигитни эрта экканди. Биринчи ишловни тамомловди ҳам бўрон ҳамма ғўзасини пайхон қилиб кетди. Афсус, афсус...

Секретарь тушунди. Бу изтироб чекаётган аёл 50 центнерчилар ташаббусига қўшилган ўша Ҳамроҳон Турдиматова эди.

Ҳамроҳон опа пайхон қилинган карта қаршисида бошини қуйи солиб, изтироб чекарди. У алам оташида қоврилиб, бирон шарпани эшитмасди, ўзи билан ўзи овора эди. Фақат секретарнинг ассалому алайкум, опа деган овозини эшитиши билан шошиб ўзига келди. Аёл ўйниб гапирарди. Бундай пайтда одамнинг руҳини кўтариш, озгина бўлса ҳам бирон илиқ сўз айтиш яхши фазилат. Мақсудали шундай қилди. Ахир, бир оғиз ширин сўз жон озиғи, умр безаги, ишга қанот-да!

— Хафа бўлманг, синглим, бардам бўлинг. Қийинчиликлар чекинади. Ишлар юришади. Мақсадингизга етасиз, албатта. Область партия комитетига шошилинч хабар қилдик. Нимаики лозим бўлса, ҳаммасини сизларга берамиз, ёрдам қиламиз дейишди. Пайхон бўлган майдонларни қайта экишга киришаверинг. Хайр, сизга соғлиқ, яхши кайфият, ишингизда омад тилайман.

Ҳамроҳон секретарнинг орқасидан илиқ боқиб қолди. У райком секретарининг ширин суханлиги, ширинзабонлигини бундан илгари ҳам бир неча бор эшитганди. Ўзи унинг гувоҳи бўлганди. Бу сафар ҳам шу фикрнинг гувоҳи бўлиб турибди ўзи.

...Район пахтакорларининг йиғилишига Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсуддинов ҳам иштирок этарди. У йиғилганларга қарата мурожаат қиларди:

— Ўртоқлар, — деди Шамсуддинов сўзининг охирида, — бўрон тинди. Лекин унинг жароҳати катта. Бу офатни ленинградликлар, албатта, енгиб ўтадилар. Мўлжалдаги пахта ҳосилини етиштирадилар, деб ишонч билдираман. Секретарь шундай дея қани бунга сиз қандай қарайсиз, ўртоқ Ҳайдаров, дегандек унга юзланди. Мақсудали Ҳайдаров мулойим оҳангда сўз қотди:

— Офатга жасорат билан жавоб берамиз!

Шундай қилиб, белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Барча куч ва восита қайта чигит экишга сафарбар қилинди. 16 хўжаликда чигит қайта экилди. Ниҳоят, яна ер бетини беқасамдек яшил квадратлар қоплади. Далаларда универсаллар гуриллади. Бироқ, июнь ойининг бошларида вазият яна оғирлашди. Яна табиат инжиқлиги, яна офат, яна ёмғир, яна дўл... Бунинг устига сув танқислигини айтмайсизми?! Бир томонда пахта ташвиши, бир томонда ипак қурти шоширяпти. Сабзавот етиляпти, мевалар пишяпти. Иш устига-иш, ташвиш устига ташвиш. Лекин, район пиллакорлари қуртлар катта даҳдан турганда қийинчиликка дуч келишди. Мақсудалининг ҳам она сути оғзига келди. Кўшни районлардан барг келтириб берилди пиллакорларга. Шундай қилиб, ипак қурти ҳам етилди. Пилла терилди. Кутилган натижа кўнгилдагидек. 628 тонна пилла етиштирилди. Марра эгалланди. Бу яхши. Лекин, районда ҳали янги тутзорлар барпо қилиш керак экан. Бу йилги тажриба шуни кўрсатганди. Ҳайдаров бу масалани ижобий ҳал қилишга киришди.

Туш пайти эди. Шийпонда колхозчилар овқатланишарди. Мақсудали Ҳайдаров Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи Ҳамроҳон Турдиматова бригадасига борди. Деҳқонларнинг кўнглига қўл солиб «ўрди. Кайфиятлари яхши, орзулари юксак Бундан ўзи ҳам шод эди. У дала шийпонидаги оммавий-сиёсий ишлар, маданий-маиший хизмат масалалари билан танишди.

У райкомга қайтиб келганида қабулхонада уни «Октябрь» колхозининг тўрт бригада бошлиғи кутиб ўтирарди. Улар мақсадга кўчишди. Бизга сув керак, сув, ўртоқ секретарь. Экинлар чанқаб ётибди. Нима қиламиз? Ердамингизга муҳтожмиз, дейишди.

Мақсудали Ҳайдаров уларнинг ҳар бирига илиқ муомила қиларди. Ҳаммасини ҳал қиламиз, ҳозирча бор имкониятдан фойдаланинглар. Эртадан бошлаб сув хўжалиги бошқармаси раҳбар-ходимлари билан кенгашамиз, истакларингизни амалга оширамиз, — деди.

Яна Ҳайдаровнинг маслаҳат, даъватлари қўл келди. Ерларнинг намини сақлаш учун маҳаллий ўғит солиб суғориш лозим. Шунда ҳар бир экин майдони 10-15 кун намни ўзида сақлайди, унгача сув масаласи ҳам ҳал бўлади. Бундан ташқари қум-ариқлар сувни кўп «ютади». Сув ортиқча исроф бўлади. Бетон ариқлар қуриш керак. Шундай қилинди. Ҳаммаси унинг ўйлаганича бўлиб чиқди. Лекин хўжаликнинг бошқа соҳалари ҳам унинг эътиборидан четда қолмади, албатта. Пилла, чорва, боғ, сабзавот, қурилиш, ободончилик мактаб-маориф ишлари ҳам ўз изида борарди.

Серташвиш қунлар офат изтироблари ортда қолди. Энди унинг ўрнини қувонч ва шодлик туйғулари қоплаганди. Кузда пахтадан катта хирмон кўтарилди. Район пахтакорлари она-Ватанга пландаги 66300 тонна ўрнига 82260 тонна «оқ олтин»ни ҳадя этди. Бошқа соҳаларда ҳам катта ғалаба қўлга киритилди. Бу рақамларда райком секретари Мақсудали Ҳайдаровнинг катта меҳнати ҳам жамўлжам бўлган эди. У пахтачиликни ривожлантиришда чинакам коммунистга хос садоқат ва виждон билан меҳнат қилди ва қилаётир, У «камтарин, самимий инсон, қурашчан коммунист, ғамхўр раҳбар, омийкор ташкилотчи бўлгани учун ҳам омманинг иззат-икромига сазовор бўлди. Партия ва ҳукуматимиз Мақсудали Ҳайдаровни муносиб тақдирладилар. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Бу унвон унга янги масъулият юклайди.

Аҳмадали РИЗАЕВ.
Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер.

ЮЛДУЗЛАР РУҲСОРИ

ИЛМИЙ ОЧЕРК

«Назима Деҳқонхўжаева — Шарқ терапиясининг келажак юлдузи...».

(Академик И. А. Кассирский сўзидан).

Бола чўпдай озиб, рангпар бўлиб кетган. Жигар ва ўт йўлларида оғриқ зўриккан, иситмаси тушмаётган эди. Ҳозиргина бемор олдидан чиққан ўрта бўй, тўлачадан келган, сутдек оппоқ халати ўзига ярашган назоратли доктор чуқур хаёлга чўмганича дераза ёнида тик туриб қолди.

Хонага ёшгина лаборант билан ассистент кириб келишди: «Тайёр бўлди!..» Профессор ҳали яхши қуримаган рентген суратини чироқ шўласига тутиб, диққат билан кўздан кечирди. Сўнг нималарнидир «Касаллик тарихига» ёзиб, ассистентга узатди.

— Шу схема бўйича даволайсизлар, — деб ўрнидан қўзғалди. Профессор боланинг оғир аҳволи, дардига малҳам қўйиш ҳусусида кўпроқ ўйларди. «Уни шу алпозда ташлаб кетиш қандай бўлар-кин? — ўзига-ўзи дерди «ўзи қиймасдан. — На илож. Чақиртиришибди. Бормаса, бўлмайди...». Қўл соатига қаради. Учишига бир соатдан сал ортиқча вақт бор. Хонага шошилдари кириб келишди:

— Омадингизни берсин, Назима Абдуллаевна! — дейишди баравариг.

— Раҳмат, кошкийди, фақат омад билангина иш битса... «Одамлар омад ҳақида кўп гапиришади. Баъзилар, ҳатто орзу қилишади. Фалончининг омади бор экан, иши юришиб кетибди, дейишади. — профессор масъулиятли сафар олдидан мулоҳаза юритарди. —Хўш, омадга умид боғлаб, қўл қовуштириб ўтиришга билан иш битармикин?! Йўқ, омадни пешанага ёзиб қўйишмайди. Омад — самарали меҳнат, ижод, узоқ йиллик изланиш, маҳорат ва тажриба маҳсули. Тўғри, Харьковда яшаб, ижод этган паразитолог Душан Федорович Лямблия ҳам омади юришган, деб айтиш мумкин. Лекин у 1859 йилда ўз хўжаси ҳисобига ҳаёт кечирувчи жонивор (паразит)нинг тузилишини биринчи бўлиб таърифлаганига қадар қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказган бўлса, ажаб эмас».

Ичакнинг шиллиқ қавати устига ўрнашиб олиб, озиқланувчи бу жонивор кашфиёт эгаси Д. Ф. Лямбль номи билан лямблий, деб аталган. Д. Ф. Лямбль ўз хўжаси ҳисобига ҳаёт кечирувчи жонивор ошқозон-ичаги бузилган болаларда аниклаган бўлсада, унинг касаллик чақирувчили хусусияти ҳақида аниқ фикр билдирмаган эди. Шу боисдан паразитолог олимлар ўртасида лямблийнинг касаллик чақириш-чақирмаслик масаласи қизғин мунозарага сабаб бўлган эди. Эртанги катта йиғинда бу борадаги узоқ йиллик илмий мунозарага қатъий хулоса ясалиши табиий.

